

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА НИЛУФАР ИБРОХИМОВНА

**БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-
ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тасвирий санъат)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Юлдашева Нилуфар Иброхимовна

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини
шакллантириш технологияларини такомиллаштириш..... 3

Юлдашева Нилуфар Иброхимовна

Совершенствование технологий формирования художественно-эстетической
компетентности будущих учителей изобразительного искусства.....24

Yuldasheva Nilufar Ibrokhimovna

Improving of technologies for the formation of artistic and aesthetic competence of
future teachers of fine arts46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА НИЛУФАР ИБРОХИМОВНА

**БЎЛАЖАК ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-
ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (тасвирий санъат)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Ped253 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdpu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ходжаев Бегзод Худойбердиевич педагогика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Булатов Саидахбор Саидахорович педагогика фанлари доктори, профессор
	Сулаймонов Асқарали Пайғамович педагогика фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» 09 соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1421 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «7» 09 куни тарқатилди.
(2021 йил «7» 09 да 15 - рақамли реестр баённомаси).

**Б.С. Абдуллаева**
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

Р.Г. Исянов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш аъзоси, пед.ф.д., доцент

Н.С. Муслимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида бўлажак мутахассис, жумладан педагог кадрларни тайёрлаш жараёнида таълим ва ишлаб чиқариш амалиётининг уйғунлигини таъминлаш, таълим мазмунини бадий-эстетик ва ҳаётий тажрибаларга асосланган ўқув материаллари асосида тизимлаштириш бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий-эстетик компетентликни таркиб топтиришнинг арт-технологияларини ривожлантиришни талаб этади. Болонья жараёни мутахассислар тайёрлаш мазмунини интеграциялаш ва таълимдаги ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида битирувчиларда умумий ва махсус, шу жумладан, бадий-эстетик компетенцияларни ривожлантиришни тақозо этмоқда. АҚШ, Германия, Англия, Россия, Япония каби давлатларда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашга йўналтирилган ўқув жараёни касбий билим ва малакаларни таркиб топтириш билан бирга, юксак бадий-эстетик компетентликни ривожлантиришга асосланган ҳолда ташкил этилиши муҳим вазифа этиб белгиланган.

Жаҳон олий таълим тизимида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий-эстетик компетентликни шакллантиришнинг инновацион моделларини жорий этиш, бўлажак ўқитувчиларни бадий-эстетик фаолиятга тайёрлашнинг компонентлари ва омилларини аниқлаштириш, интеграцион ёндашув асосида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий-эстетик компетенцияларни шакллантиришнинг электрон-дастурий таъминотини такомиллаштиришга доир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, ахлоқий-инсонпарвар тарбиянинг асосий воситаси сифатида бадий-эстетик компетентликни шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик технологияларини такомиллаштириш, шахсий, маданий турмуш ва бадий-эстетик тажрибанинг уйғунлигини таъминлаш, образли фикрлашнинг асоси сифатида бадий ижодкорликни ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда бўлажак ўқитувчиларда бадий-эстетик компетентликни шакллантириш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаштириш, бўлажак ўқитувчиларда бадий-эстетик компетентликни шакллантириш бўйича ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрларини аниқлаштириш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий-эстетик компетентликни шакллантиришнинг ташкилий-технологик тизимини такомиллаштириш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бўлажак ўқитувчиларда бадий-эстетик компетентликни такомиллаштириш асосида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ муҳим вазифа этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 21 апрелдаги ПҚ-4688-сон “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг бадиий-эстетик компетентлигини такомиллаштиришнинг маънавий-ахлоқий, экологик, валеологик асослари, тарихий тафаккур билан алоқадорлиги Х.Абдиқаримов, Н.Азизходжаева, Р.Джураев, Х.Дусяров, Ш.Мажитова, Ш.Мардонов, Н.Муслимов, Б.Рахимов, М.Уразова, Ш.Ураков, Б.Ходжаев, Н.Эгамбердиева, Ф.Юзликаев ва бошқалар ишларида тадқиқ этилган. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш масалалари С.Абдирасилов, С.Азимов, Б.Бойметов, С.Булатов, А.Сулаймонов, Н.Талипов, Р.Хайров, Р.Ҳасанов кабиларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан Н.Волков, И.Зимняя, Т.Ильина, Л.Клыкова, Н.Корнилова, П.Ковешников, С.Лавренова, И.Михайлов, Н.Ростовцев, Б.Юсовларнинг тадқиқотларида касбий компетентлик, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий-эстетик маданиятни шакллантиришнинг педагогик, методик жиҳатлари ёритиб берилган.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларда бадиий-эстетик компетентликни такомиллаштириш юзасидан хорижлик олимлардан P.Adler, M.Bennett, C.Grant, W.Gudykunst, W.Deming, Y.Kim, D.Lebrun, T.Mathai, R.Norton, P.Sihvolalar илмий изланишлар олиб боришган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Бўлажак ўқитувчиларда бадий-эстетик компетентликни шакллантиришга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилганлигини эътироф этган ҳолда, жамият ривожига янгилашиш ва тараққиёт суръатларининг жадаллашуви бадий-эстетик компетентликни такомиллаштиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш ҳамда ушбу жараённинг педагогик механизмларини такомиллаштиришини тақозо этмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-1-148 “Касбий таълим мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси” (2015–2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш технологиясини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бадий-эстетик компетентлик тузилмаси ва моҳиятини аниқлаштириш;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг психологик-педагогик ва методик хусусиятларини ёритиб бериш;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш технологияларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предметини бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш мазмуни, модели ва технологияси ташкил қилади

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, тажриба-синов, педагогик консилиум, моделлаштириш, сўровнома, тест, математик-статистик таҳлил каби тадқиқот ва таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бадий-эстетик компетентлик тузилмаси бадий-эстетик билим, малака, кўникма, установка, бадий-эстетик йўналиш ва мотивация, бадий-эстетик воситаларни эгаллаш, бадий-эстетик ҳолатларни адекват идрок этишни, ўқувчилар билан бадий-эстетик фаолиятни амалга оширишга тайёрликни таъминлайдиган шахсий хусусиятларни касбий идентиклик билан қайта алоқасини белгилаш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг психологик-педагогик ва методик хусусиятлари таълим-тарбия жараёнини бадий-эстетиклик билан

уйғунлаштириш, бадий-эстетик фаолият жараёнида функционал ва тизимли қарорлар қабул қилиш малакасини таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик рефлексия барқарорлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш моделининг натижавий компоненти қадриятли-мазмунли, гносеологик, операцион-фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи мезонларнинг адаптив, ситуатив-репродуктив ва креатив кўрсаткичлари валидлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг стратегик ва тактик технологиялари бадий-эстетик тарбияни амалга ошириш мантиғи бўйича мотивация ва мақсадни шакллантиришнинг уч босқичли педагогик алгоритмининг функционал динамикасини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг диагностик воситалари такомиллаштирилган;

“Рангтасвир” фанидан интерактив ўқув-услугий мажмуа ишлаб чиқилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг самарали шакл, метод ва воситалари ишлаб чиқилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузулмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бадий-эстетик компетентлик тузилмаси ва компонентларининг аниқлаштирилганлиги, тасвирий санъат ўқитувчиларини тайёрлашга қўйиладиган инновацион методик талабларнинг ёритиб берилганлиги, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятларининг аниқланганлиги, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг диагностик мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, бўлажак ўқитувчиларда бадий-эстетик компетентликни ривожлантиришнинг изчиллиги ва узлуксизлигининг таклиф этилган мезонларга мослигининг таъминланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришга доир ёндашувларнинг белгилаб берилганлиги, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш моделининг

ишлаб чиқилганлиги, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг методик шарт-шароитлари ҳамда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг стратегик ва тактик технологияларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган методик ва дидактик таъминотдан олий таълим муассасалари, олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантириш технологияларини такомиллаштириш бўйича илмий натижалари:

бадиий-эстетик компетентлик тузилмаси бадиий-эстетик билим, малака, кўникма, установка, бадиий-эстетик йўналиш ва мотивация, бадиий-эстетик воситаларни эгаллаш, бадиий-эстетик ҳолатларни адекват идрок этишни, ўқувчилар билан бадиий-эстетик фаолиятни амалга оширишга тайёрликни таъминлайдиган шахсий хусусиятларни касбий идентиклик билан қайта алоқасини белгилаш асосида аниқлаштиришга доир таклифлардан 5110800 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси бакалавриат йўналиши Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 89-06-711-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигига қўйиладиган малака талабларини бадиий-эстетик компетенциялар билан бойитишга хизмат қилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг педагогик-психологик ва методик хусусиятларини аниқлаштириш, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантириш моделининг натижавий компоненти кадриятли-мазмунли, гносеологик, операцион-фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи мезонларнинг адаптив, ситуатив-репродуктив ва креатив кўрсаткичлари валидлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга доир таклифлардан “Узлуксиз маънавий тарбия” Концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 89-06-711-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларни бадиий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг диагностика технологияларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг стратегик ва тактик технологияларини бадиий-эстетик тарбияни амалга ошириш мантиғи бўйича мотивация ва мақсадни шакллантиришнинг уч босқичли педагогик алгоритмининг функционал динамикасини ҳисобга олиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан ОТ-Ф1-36 “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020 йй.) амалий лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 июлдаги 89-06-711-сон маълумотномаси).

Натижада, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг технологик компонентлари мазмуни ва ташкилий-методик асослари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. иссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, 141 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий-эстетик компетентликни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий-эстетик компетентликни ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги, бадий-эстетик компетентликнинг моҳияти ва тузилмаси, педагогик-психологик хусусиятлари, муаммонинг мавжуд ҳолати ёритиб берилган.

Бўлажак тасвирий санъат фани ўқитувчиларини тайёрлашнинг ўзига хослиги таълим муассасаларида тасвирий, декоратив ва амалий санъат соҳаларида ишлаш ва тасвирий санъатни ўқитишда касбий маҳоратнинг шаклланишидир. Бажарилиш сифати муҳим ҳисоблангани туфайли агар ижодий ишни баҳолаш ва унга тааллуқли мезонлари аниқ бўлса, демак, педагогик компетентликни шакллантириш ва уни баҳолаш тасвирий санъат фани ўқитувчиси учун ҳам долзарб муаммо ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда таълимга доир меъёрий ҳужжатларда таълим сифатини оширишнинг муҳим шартларидан бири шахсни маънавий тарбиялаш мақсадида ахлоқий тамойиллар ва стандартларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш воситаси сифатида санъатнинг ахлоқий салоҳиятидан янада кенгрок

фойдаланиш лозимлиги кўп бор тилга олинади. Мазкур талаб ўсиб келаётган авлоднинг эстетик маданиятини шакллантирадиган бадиий педагогик таълим ва ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги соҳасидаги стратегик режа асосида ётади ва тасвирий санъат фани бўйича талабаларни тайёрлаш соҳасидаги асосий касбий таълим дастурининг мақсади билан бевосита уйғундир: таълим ва маданият муассасаларида самарали бадиий ва эстетик фаолиятни амалга оширишга лаёқатли мутахассисларни тайёрлаш.

Педагогика олий таълим муассасалари тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналиши талабалари санъат ва атрофдаги олам гўзаллигини баҳолашнинг аниқ мезонлари ҳисобланган маънавий-эстетик йўналганликка эга бўлишлари керак. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчилари нафақат педагогик маҳорат асосларини ўзлаштириши, балки улар эстетик маданиятнинг тарғиботчиси ҳам бўлишлари керак. Шунинг учун бугунги кунда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий-эстетик тайёргарлиги мазмуни ва тузилмаси ҳамда олий таълим жараёни шароитида уни шакллантириш имкониятларини аниқлаштиришга алоҳида зарурият мавжуддир.

Педагогик фаолиятга касбий тайёргарлик муаммолари кўплаб тадқиқотлар объекти сифатида тадқиқ этилган. Жумладан, А.Ц.Пунининг таъкидлашича, педагогик фаолиятга тайёрлик бошқа ҳар қандай фаолиятдан фарқ қилмайди, бу шахснинг ўз қобилиятига бўлган ишончи, ўз мотивациясини англаши ва барча ҳаракатларнинг мақсадларга эришишга йўналганлигини англатади. Бу фикр албатта, бир оз мунозарали, чунки бизнинг назаримизда, тайёрлик оддий ҳаракатларга қараганда анча мураккаб категориядир ва кўп босқичли, қиррали тизим бўлиб, унинг моҳияти фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Ўқитувчи касбий тайёрлигининг кўп қиррали ва мураккаблиги тадқиқотчилардан “тайёрлик” тушунчасининг моҳиятига янада ойдинлик киритишни талаб этади. Масалан, К.К.Платонов педагогик фаолиятга касбий тайёргарликни шахсиятнинг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқади, унинг шаклланиш бошланиши тажриба субструкциясига тўғри келади, яъни аввало билим, маҳорат ва кўникмаларга боғлиқдир, деган хулосага келган. М.Т.Мирсолиева касбий тайёргарликка профессионалнинг ўзига хос ва жамоавий илмий ишларни ташкил этиш қобилияти, инновацион келажакни кўриш, ўзини ўзи ташкил этиш ва ўзини ривожлантириш қобилияти каби фазилатларни киритиш мумкинлигини қайд этиб ўтган.

Ўқитувчининг касбий фаолиятга тайёрлигини учта таркибий асосини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, мустаҳкам билим шаклида пойдеворнинг яратилганлиги; иккинчидан, ўқувчилар, ҳамкасблар билан ва педагогик жараёндаги ўзаро муносабатларда акс этадиган шахс сифати, қобилияти, устувор йўналишларининг шаклланганлиги; учинчидан, ўз-ўзини ривожлантиришнинг қатъий асосга эгаллиги.

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги фикрлар баъзи мутахассисликлар учун, масалан, тасвирий санъат ўқитувчилари учун мукамаллик касб этмайди, чунки

тасвирий санъат ўқитувчиларининг тайёргарлигига қўйиладиган талаблар унинг фаолият йўналишига қараб белгиланиши керак. Ўзининг малакавий тавсифига кўра, тасвирий санъат ўқитувчиси ихтисослиги ўқувчиларни бадиий ва эстетик тарбиялашга қаратилган бўлиб, унинг инсоният цивилизацияси дунёсини билиши, шунингдек ўз-ўзини англаш ҳамда ўз-ўзини намоён этишга имкон бериш орқали шахс ижтимоийлашувига хизмат қилади.

Тасвирий санъатнинг алоҳида таркибий қисмига бадиий асарларнинг ўзи, санъатшунослик элементлари, тасвирий фаолият назарияси, амалий расм чизишга ўрганиш киради. Тасвирий санъат ўқувчиларни рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, архитектура ва санъат ҳамда ҳунармандчилик каби турли йўналишлар билан таништиради. “Тасвирий санъат” фанининг мазмуни тасвирий санъат асарларини идрок этиш ва ўрганишни шакллантиришга, атрофдаги воқеликка ва болалар бадиий ижодиётига креатив муносабатни ривожлантиришга қаратилган.

Тасвирий санъат дарслари атрофдаги воқеликлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, дунёни эстетик идрок этиш ёрдамлашиш, гўзалликни кузатиш қобилиятини шакллантириш, воқелик ва санъат асарларидаги эстетик ҳодисаларини фарқлаш, таҳлил қилиш ва таснифлашга йўналтириш орқали ўқитувчи ўқувчиларни воқеликка фаол эстетик муносабатда бўлиш, ўқув, меҳнат, ижтимоий фаолият жараёнида бадиий қобилиятларни амалда қўллаш олишга ўргатади.

АҚШ олимлари бадиий-эстетик ривожлантиришнинг асосий мақсадларидан бири шахс ва муҳитнинг эмоционал таъсир даражасини барқарорлаштириш, ижобий йўналганликка эга субъектив тажрибани бойитиш деб ҳисоблашади. Эмоционал мувозанат ғоясининг изчил баён этилиши кўпроқ В.Лоуэрфельднинг “санъат орқали терапия” концепциясида ўз ифодасини топган. Мазкур концепциянинг моҳияти шундаки, болада ҳаётга ишончнинг йўқолишининг асосий сабаби ўзининг фикрини сўз ёрдамида ифода этиб бера олмаслигидадир. “Санъат орқали терапия” билан боғлиқликда З.Фрейд назарияси ва бихевиористик психологиянинг эстетик тарбия масалаларига доир изланишларида қатор атамалар истеъмолга киритилган: ўз-ўзини намоён этиш (self-expression), ўз-имкониятларини амалга ошириш (self-realisation), “ўз-ўзига ишонч” (self-confidence), “ўз-ўзини баҳолаш (self-evaluation). Ўз-ўзига муносабатнинг мазкур жиҳатларини ўзида бирлаштирган атама америка назариясида “personal adjustment”, яъни “шахс ва муҳит муносабатлар барқарорлиги” деб номланган.

Мазкур хулосаларни олий ўқув юртлирида тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий ва педагогик тайёргарлиги мазмуни билан тўлиқ боғлаш мумкин. Тасвирий санъат ўқитувчиларининг касбий ва педагогик тайёргарлигига қўйиладиган малака талабларига мувофиқ куйидаги фаолият турлари доирасини кенгайтириш лозим: таълимий фаолият тури (ижтимоий-педагогик, ўқитувчилик); маданий-маърифий (маърузалар ўқиш, санъат бўйича

мушоҳадалар, музей, галереялар, архитектура ва миллий маданият ёдгорликларига экскурсиялар); ишлаб чиқариш-бадий, корхонада интерьер, экстерьерга бадий безак беришни назарда тутувчи расом ёки матбаа ишлаб чиқаришида китоб расоми; илмий-тадқиқот ва услубий. Бу бадий педагогика, шахснинг ривожланиш психологиясининг долзарб муаммоларига ечим топиш, тасвирий санъатни ўқитишга янги ёндашувлар, ўқувчиларни ўқитишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш, санъат таълимининг янги моҳиятини аниқлаштиришга қаратилган фаолиятни назарда тутуди; бадий-ижодий, тасвирий санъат ўқитувчисининг ранг ва қалам тасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати бўйича бадий асарларни яратишга доир иш йўналишини назарда тутуди.

Ҳар қандай йўналишдаги мутахассисларнинг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш замонавий дунёда уларнинг рақобатбардошлиги ва мобиллигини таъминлашнинг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Шахс эҳтиёжларини қондиришга қаратилган замонавий таълим парадигмасида инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини намоён этиш муаммолари алоҳида ўрин эгаллайди. Шу муносабат билан замонавий мутахассисга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгариб боради ва бу ўз навбатида олий таълим муассасасида талабаларнинг касбий тайёргарлигини ташкил этиш, унинг мазмуни, шакл ва усулларини бадий-эстетик компетентликни шакллантириш жиҳатидан қайта кўриб чиқишни талаб қилади.

Компетентлик – бу субъект ва унинг фаолиятига берилган тавсиф бўлиб, у кўпинча, турли маълумотлар берадиган луғавий-меъёрий адабиётларда “бирор нарса ҳақида фикр юритиш, ўз фикр-мулоҳазасини билдириш имконини берадиган билимларни чуқур эгаллаш” дея таърифланади. Бошқача айтганда, компетентлик – бу, авваламбор, ишни бажариш (мақсадга эришиш) учун нималар зарур эканлигини тушунишнинг чуқур билимларга асосланган даражасидир. Касбий компетентлик эса касбий фаолиятга оид масалаларни ҳал этишда билим ва кўникмаларни амалий тажрибада самарали қўллай олиш маҳоратидир.

Бадий-эстетик компетентлик асосида таълим мазмунини кўп даражали лойиҳалаш ўзида қуйидаги муҳим жиҳатларни акс эттиради: бадий-эстетик компетентликни шакллантиришнинг концептуал асосларига таянган ҳолда таълим мазмунини танлаб олиш ва эстетик тарбия воситаларини таянч тушунча сифатида белгилаш; бадий-эстетик компетентликни шакллантиришга доир билиш объектларини моделлаштириш ҳамда гўзалликни яратувчанлик фазилатларини акс эттириш; назария ва амалиёт бирлиги ҳамда шахсий-ҳаётий тажриба асосида ички ва ташқи интеграцияни таъминлаш; ўқитиш жараёнини ривожлантирувчи таълим асосида ташкил этиш, эмоционал-қулай муҳитни яратиш; бадий фаолиятга мотивацияни қарор топтириш; шахс ривожининг мотивацион, интеллектуал ва ахлоқий соҳаларини такомиллаштириш.

Тадқиқот доирасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиси бадий-эстетик компетентлигининг учта таркибий қисми аниқлаштирилди (1-жадвалга қаранг).

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантириш компонентлари ва мазмуни

Компонентлари	Мазмуни
Когнитив	касбий фаолият контекстида эстетик маданият тўғрисидаги объектив билимлар; атрофдаги воқеликни англаш жараёни сифатида санъат асарларини тарихий таҳлил қилиш қобилияти; тасвирий санъат асарларида бадиийликнинг акс этишини таҳлил қилиш категориялари тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги; ўқувчининг шахсий-эстетик маданиятининг таркибий қисмларидан хабардорлиги; бўлажак ўқитувчининг ёш авлодни замонавий эстетик руҳда тарбиялашнинг ўрни, ҳолати ва функциялари тўғрисидаги билимларга эгаллиги.
Эмоционал-қадриятли	эстетик маданиятга доир қадриятларни идрок этиш жараёнида эмоционал жўшқинликнинг намоён бўлиши; тасвирий фаолият жараёнида болаларнинг ҳиссий кечинмаларини қайд этиб бориш кўникмаси
Шахсий-рефлексив	ички ижобий мотивацияни шаклланганлик даражаси; мактаб ўқувчиларининг эстетик тарбияси ва унинг якуний натижаларини англаш бўйича касбий фаолиятни босқичма-босқич таҳлилни амалга ошириш кўникмасига эгалик

Муаммога доир мавжуд илмий изланишлар таҳлилига таянган ҳолда тадқиқот доирасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчининг бадиий-эстетик компетентлиги бу бадиий-эстетик жараёнлар, шу жумладан, бадиий-эстетик билим, малака, кўникма, қадриятлар, бадиий-эстетик йўналиш ва мотивация, бадиий-эстетик воситаларни эгаллаш, бадиий-эстетик ҳолатларни тўғри идрок этиш, ўқувчилар билан бадиий-эстетик фаолиятни амалга оширишга тайёрликни таъминлайдиган шахсий сифат ва хусусиятлар мажмуидир, деган хулосага келинди.

Диссертациянинг **“Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий-эстетик компетентлигини шакллантириш мазмуни, педагогик модели ва технологиялари ёритиб берилган.

Ҳар қандай илмий изланишнинг энг муҳим вазифаларидан бири аниқ тадқиқотнинг дастлабки позициялари ва усулларини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш, уларни истиқбол нуқтаи назаридан баҳолаш, кейинчалик билиш воситаси сифатида фойдаланиш имкониятидир. Аввало, ижобий баҳоланган усул ва тузилмаларни тадқиқот фаолиятининг тамойиллари ҳамда кўрсатмаларига ўтказишга эришиш учун талабаларининг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантиришга доир турли ёндашувлар табиати, имкониятларини таҳлил қилишимиз лозим.

Ўз таърифига кўра “ёндашув” атамаси кўп маъноли бўлиб, қуйидаги талқинларига эга: таълим субъектларининг ижтимоий онг ташувчиси сифатида ижтимоий муносабатини акс эттирувчи мафкуравий категория; назарий ёки амалий аҳамиятидан қатъи назар, тегишли фаолиятнинг умумий мақсади ва стратегиясини белгилайдиган тамойиллар тўплами (тизими); ўқитувчининг талаба ва жамоа билан ўзаро муносабатдаги мавқеини белгилайдиган асосий қадриятлар йўналиши. Тадқиқот доирасида ёндашув педагогик тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси бўлиб, у муайян қонуният ва хусусиятларда намоён бўлади, деган хулосага келинди.

Талабаларнинг бадиий-эстетик компетентлигини шакллантириш муаммоларини ўрганишга қўйилган талабларни аниқлаш учун фанлараро, партисипатив (иштирокчилик) ва бадиий турфа хилликка доир ёндашувларнинг имкониятларини бирлаштириш лозим, деган хулосага келинди.

Таълимда фанлараро муносабатларни амалга оширишнинг турли жиҳатлари А.Чориев, Б.Абдуллаева, В.Далингер, М.Данилов, И.Зверев, В.Келбакиани, Ю.Кустов, В.Федоровская ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритиб берилган бўлиб, мазкур илмий изланишларда ўқитишда реал дунё ўртасидаги муносабатларни акс эттиришнинг объектив эҳтиёжи асослаб берилган, фанлараро муносабатларнинг мафкуравий функцияси, талабалар ривожланишидаги роли очиб берилган, фанлараро муносабатларнинг талабалар билим тизимини шакллантиришга ижобий таъсири қайд этилган ва турли мезонлар (асослар) бўйича фанлараро муносабатлар таснифи ишлаб чиқилган, шунингдек мувофиқлаштирувчи ўқитиш методологияси таклиф этилган.

Бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлашда фанлараро ёндашувни қўллашнинг зарурлиги жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида илмий билимларни интеграциялаш тенденцияси тобора кучайиб бораётганлиги, бугунги кунда деярли барча муҳим муаммолар мажмуавий тавсифга эгалиги билан боғлиқдир. Касбий-педагогик фаолиятда турли илмий соҳалардаги билимлардан мобил фойдаланишга қодир мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бундай мутахассисларни тайёрлашда тафаккур тизимларини ривожлантириш, объектни унинг кўп томонлама алоқалари ва муносабатлари бирлигида кўриш қобилияти муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ўқув фанлари ўртасидаги ички алоқаларни очиб бериш ўқув жараёнини тўғри ташкил этиш, унинг тизимини ўзгартириш, мантиқий ва илмий йўналишни ўзгартириш учун аҳамиятлидир. Натижада, билим нафақат аниқ, балки умумлаштирилган бўлиб, бу бўлажак мутахассисларга мазкур билимларни янги ҳолатларга ўтказиш ва уни амалда қўллаш имкониятини беради. Фанлараро муносабатларни амалга оширишнинг дидактик афзалликлари ахборотдан ўзаро фойдаланиш, уларнинг такрорланишининг олдини олиш, оламнинг моддий манзараси бўйича ягона қарашлар тизимини шакллантиришдир.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, “партисипативлик” атамаси “иштирок этиш”, “қатнашиш”, “жалб этиш” каби тушунчалар билан ўзаро боғлиқ бўлиб, бу эса, бизнингча, инглиз тилидан кириб келган сўзнинг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу атаманинг аниқроқ муқобилини топиш истаги билан

боғлиқдир. Шу билан бирга, айрим муаллифлар (У.Ж.Дункан, W.E.Deming, O.Irwin, P.V.Peterson ва бошқалар) унинг маъновий моҳиятини кенгроқ очиб бериш учун турлича талқинларини келтириб ўтишган.


Талабаларнинг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришга партисипатив ёндашувда ўқитувчи куйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиши лозим: ҳар бир талаба бетақроқ шахсдир, шунинг учун уни касбий фаолиятга тайёрлаш учун стандарт назарий ва услубий стратегиялар ҳар доим ҳам қўлланилмайди ва муайян шахс ҳамда вазиятга нисбатан шакллантирилиши керак; ўқув гуруҳидаги талабалар бадий қобилиятларининг уйғунлиги ва асосий кадриятларининг умумийлиги уларнинг индивидуал қобилиятлари ҳамда хусусиятларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлайди; талабалар ўртасида мазмунли шахслараро алоқани ўрнатиш керак; ажойиб мақсадларга эришиш учун гуруҳнинг энергияси конструктив йўналтирилиши лозим; талабалар бадий-эстетик вазиятлар ва уларнинг истикболларини таҳлил қилиш, биргаликдаги ҳаракатларни режалаштириш, бадий-эстетик таълим натижаларини баҳолаш (ўз-ўзини баҳолаш)да фаол иштирок этишлари керак.

Амалиётчи ўқитувчиларнинг фаолияти шундан далолат берадики, дарсларни бадий-ифодала бойитишда турли санъат турларини жалб қилиш, бадий тасвирлардан фойдаланиш ва талабаларнинг ижодий фаолият турларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бу бадий турфа хилликка доир ёндашувни (Б.П.Юсов) артпедагогиканинг тараққийпарвар йўналишларидан биридир, деб айтиш учун асос яратади.

Бадий турфа хилликка доир ёндашув – бу бўлажак мутахассисларнинг бадий ривожланишидаги педагогик техникалар ва усуллар йиғиндиси. Бадий турфа хилликка доир ёндашувнинг муҳим вазифаларидан бири маданият, фан, таълим ва санъатнинг турли соҳаларида инсониятнинг ижобий тажрибасини ўзида мужассам этган маънавий-ахлоқий етук шахсни тарбиялашдир. Бадий турфа хилликка доир ёндашув – бу бадий фаолиятнинг турли йўналишлари ва турли санъат турларининг воситалари ёрдамида талабанинг руҳий энергияси, ҳиссиётлари ва туйғуларини унинг ижод маҳсулида ифода этириш усуллари тизими.

Тадқиқот доирасида лойиҳалаштирилган бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг педагогик модели тузилмавий тавсифга эга бўлиб, фанлараро, партисипатив ва бадий турфа хилликка доир ёндашувлар мазмуни билан белгиланади ҳамда морфологик жиҳатдан беш компонентдан иборатдир: мақсадли; ташкилий-жараёнли; мазмунли; технологик; таҳлилий-натижавий.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган моделнинг (1-расмга қаранг) ўзига хос хусусияти шундан иборатки, компонентлардан бирида ўзгариш бўлиши муқаррар равишда қолган таркибий қисмларида, якуний натижада бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантиришнинг яхлит тизимида ўзгаришларни келтириб чиқаради.



1-расм. Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий-эстетик компетентликни ривожлантириш модели

Бўлажак ўқитувчи ўзининг таълимий фаолияти натижасига эришиш учун мақсадли, ташкилий-жараёнли, мазмунли, технологик, таҳлилий-натижавий компонентларнинг ёпиқ доираси бўйлаб бир неча марта “ҳаракатланиши” ва якунида мақсадга эришишнинг юқори даражаси таъминланиши мумкин. Қуйида моделнинг компонентлари мазмунини қисқа баён этиб ўтамиз.

Мақсадли компонент. Мақсад тушунчасини турли хил талқин қилиш асосида уни тушуниш белгиланган вақтда эришишни талаб қилинган муддатда уни эгаллаш имкониятлари билан таққослаб кутилган натижа образи сифатида шаклланади. Бу эса, бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларини мақсадга эришиш томон ҳаракат қилишга ундайди, яъни шундай белгиланадики, олинган натижани ҳар доим кутилган натижа билан таққослаш имконияти мавжуд бўлади.

Ташкилий-жараёнли компонент қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: ўқув маълумотларини тақдим этиш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш, ўқув жараёнида тезкор тесқари алоқа ўрнатиш, ўқувчиларнинг коммуникатив таълим жараёнининг кундалик назорати натижаларини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқилган моделни амалга оширишнинг ташкилий-педагогик шартлари.

Мазмунли компонент кўриб чиқилаётган моделда тизимли аҳамиятга эга, чунки унинг ривожланиши орқали талабаларнинг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш жараёни ва натижаси яққол кўзга ташланади. Мазкур компонентга хос учта – маданиятлараро, когнитив, шахслараро-коммуникацион блокнинг ўзига хос жиҳатлари аниқлаштирилди.

Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш моделининг технологик компоненти мазкур жараённи ташкил этиш методикасини белгилаб берди ва тахминий, информацион, амалий ва тузатувчи босқичларини ўз ичига қамраб олди. Мазкур компонент талабалар ва ўқитувчи томонидан ушбу компетентликни янада юқори даражада шакллантириш учун талаб қилинадиган хатти-ҳаракатлар ҳамда жараёнларни ўзида акс эттирди.

Моделнинг таҳлилий-натижавий компоненти кўрсаткичлар ва мезонлар ёрдамида ҳар бир талабанинг бадий-эстетик компетентлигини шаклланганлик даражасини паст, ўрта ёки юқори эканлигини таққослаш имконини берди.

Назарий-экспериментал тадқиқотларни ўтказиш жараёнида талабаларнинг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш жараёнида профессор-ўқитувчи фаолиятини қай тарзда технологиялаш зарурлиги ҳақидаги масалага эътибор қаратилди. Изланиш натижалари қуйидагиларни таъкидлашга имконини берди: бўлажак ўқитувчиларнинг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш технологияси шахсиятни шакллантирувчи педагогик ва бошқарув ҳолатининг баъзи бир ўзгармас компонентлари, шахснинг ўзига хос табиий хусусиятларини шакллантириш билан боғлиқдир.

В.Беспалько, В.Загвязинский, В.Сериков, В.Сагатовский, Н.Азизходжаева, Н.Авлиякулов, Ў.Толипов, Б.Ходжаев ва бошқаларнинг тадқиқотларини ҳисобга олган ҳолда бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-

эстетик компетентлигини шакллантириш бўйича педагогик технологияларни лойиҳалаш ва амалга оширишга доир қуйидаги энг умумий талаблар аниқлаштирилди:

1. Бадиий-эстетик таълим мазмунини фаолиятнинг яхлит лойиҳасига, шу жумладан, унинг йўналтирувчи асосларини (концепциялари, тамойиллари) ўзгартириш, мотивацион, психологик ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш.

2. Талабаларнинг юқори бадиий-эстетик компетентлигини таъминлашга доир ўқитувчининг фаолиятини ташкил этиш.

3. Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро муносабат усуллари, уларнинг вазифалари, ўрни, ўқитишнинг технологик қисмини амалга ошириш давомида юзага келадиган алоқаларни аниқлаш.

4. Ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш, иштирок этиш, тенглик, бағрикенглик, норасмий шахслараро мулоқот асосида технологияларнинг мотивационлигини таъминлаш.

5. Моддий-техник ва ахборот воситалари, дастурий маҳсулотлардан кенг фойдаланиш.

Тадқиқотда шартли равишда “бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий-эстетик компетентликни шакллантиришнинг стратегик таълим технологиялари” тушунчаси қўлланилди. Стратегик таълим технологиялари деганда, ўқув жараёнининг битта йўналишига қаратилган ва таълим мақсадларига эришиш учун қўлланиладиган технологиялар кўзда тутилди. Стратегик таълим технологиялари таркибини таҳлил қилиш уларнинг қуйидаги мақсадли йўналишини аниқлаш имконини берди: бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисининг шахсий ва касбий қобилиятларини ривожлантириш. Стратегик таълим технологияларининг мақсади улардан талабаларни касбий тайёргарлигининг барча босқичларида фойдаланиш имкониятини белгилаб беради. Уларга қуйидагилар киритилди: ўйин, тадқиқотчилик, тренинг, интерфаол маъруза, ўқув ва малакавий амалиёт, лаборатория иши ва бошқалар.

Таълимнинг стратегик технологияларини тактик таълим технологиялари орқали амалга ошириш кўзда тутилди. Илмий адабиётлар таҳлили тактик таълим технологияларини танлаш мезонлари сифатида қуйидагиларни қабул қилиш имконини берди: а) тактик ўқув технологияларининг стратегик мақсадларга мослиги; б) тактик ўқув технологияларининг ўқитувчи томонидан тақдим этилган ўқув материалининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқлиги; в) етакчи алоқа тури; г) тактик таълим технологияларини технологик амалга ошириш имкониятлари; д) тактик таълим технологияларининг узлуксизлиги (мавзули, мантиқий, ташкилий).

О.Ю.Афанасьева, Е.Ю.Никитина, Л.Р.Тицка, Л.Кликоваларнинг тадқиқотларига таянган ҳолда, тадқиқот доирасида бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадиий-эстетик компетентликни шакллантиришда фойдаланиш лозим бўлган тактик таълим технологиялари тизими ишлаб чиқилди (2-жадвалга қаранг).

**Бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларида бадий-эстетик
компетентликни шакллантириш технологиялари**

Стратегик ва тактик таълим технологиялари	Кутиладиган натижа	Қўлланиладиган методлар	Талабанинг ўқув-билиш фаолияти тури
Маъруза таълим технологиялари			
Интерфаол маъруза	Талабаларнинг фаоллиги ошади, танқидий, мустақил ва аналитик фикрлаши ривожланади	Интерфаол ўқитиш методлари, чизма-тасвирий моделлар (интеллект карт, фреймлар)	Фаол, талабаларни ўқув материалларини мустақил излаш, уларни таҳлил этиш ва асослашга йўналтирилади
Муаммоли маъруза	Талабаларда ижодий фикрлаш, бадий-эстетик қадриятларга қизиқиш ривожлантирилади	Ўқув муаммоси, диалогик	Талабалар бадий-эстетик мазмундаги топшириқларни ечишга жалб этилади
Аввалдан хатолари мавжуд тарзда режалаштирилган маъруза	Талабаларда бадий-эстетик вазифаларни тезкор таҳлил қилиш ва ечим топиш малакаси ривожлантирилади	Интеллектуал ўйинлар	Изланишли фаолият, топилган хатоларни муҳокама этишга талабаларни жалб этиш (партисипация)
Тадқиқотчиликка доир таълим технологиялари			
Семинар-мунозара	Ҳар бир талабада бадий-эстетик компетентликка партисипация учун шароит яратилади	Муаммоли	Изланишли-тадқиқотчиликка доир фаолият
Семинар-тадқиқотчилик	Таълим олувчиларда ижодий фикрлашни ривожлантириш мақсадида мавжуд бадий-эстетик билимлар жамғармасига ўзгартиришлар киритилади	Янги билим йўналишларини излаб топади, фаразларни илгари суради, бадий-эстетик компетентлик даражасидан қоникмасликни англаб етади	Мустақил ўқув материалларини ўзлаштиришни амалга ошириш, янги ғоя ва фаразларни илгари суриш, олинган маълумотларни таҳлил этиш
Ўйинли лойиҳалаш	Талабаларда долзарб бадий-эстетик масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш тажрибаси шакллантирилади	Муаммоли, ҳаётий бадий-эстетик вазиятларни ўйинли тарзда моделлаштириш	Изланишли-тадқиқотчиликка доир фаолият, рефлексия
Семинар-практикум	Илмий-тадқиқотчилик, назарий билимларни амалиётда қўллаш малакаси ривожланади	Муаммоли	Турли даражадаги коммуникатив вазифаларни ҳал этиш, таълим олувчилар фаолиятини рефлексив таҳлил қилиш
Курс иши	Ўқув-материалларини мустақил умумлаштириш малакаси ривожланади	Хорижий тилдаги ўқув-билиш топшириқлари	Хорижий тилдаги ўқув-билиш топшириқларини мустақил бажариш
Битирув малакавий иш	Тадқиқотчилик кўникма ва малакалари ривожланади	Бадий-эстетик тавсифдаги топшириқлар	Мавзу танлаш, муаммони аниқлаштириш, илмий изланишлар олиб бориш, унинг натижаларини умумлаштириш

2-расмда кўрсатиб ўтилган таълим технологиялари бўлажак тасвирий санъат ўқитувчиларининг бадий-эстетик компетентлигини шакллантириш мақсадида самарали қўлланилиши мумкин. Уларни янада аниқ танлаш ҳар бир фан бўйича ўқув материаллари билан тактик таълим технологияларининг ўзаро уйғунлиги таъминланиши мақсадга мувофиқ.

Шакллантирувчи тажриба-синов ишлари жараёнида талабаларни маданиятлараро диалогга жалб этишга йўналтирилган (“Стереотиплар занжири”, машқи “Миклухо” ва “Маклай” ўйинлари), толерант мулоқотни таркиб топтиришга доир (“Синвейн-толерантлик”, “Богардус шкаласи” машқлари) машқ, ўйин ва тренинглардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

“Нотўғри нуқтаи назарлар занжири” машқининг маданиятлараро алоқаларнинг стереотипларини англашдан иборат.

Иш босқичлари:

1. Барча иштирокчилар айлана бўлиб туришади ёки ўтиришади. Иштирокчилардан бири айлана марказида ноқулай ҳолатда, масалан, чўккалаб ўтиради ва ўзи танлаган этник-маданий гуруҳ номига айтилган эпитетларни тинглайди.

2. Этник-маданий гуруҳ номига айтилган шарҳлар психологик таснифлар, ҳикоялар, латифалар, шахсий мулоқот тажрибасидаги вазиятлар, бадий образлар ва бошқаларда келтирилиши мумкин.

3. Айлана марказидаги ролни гуруҳнинг барча аъзолари навбатма-навбат эгаллайдилар. Уларнинг ҳар бири янги ролни ижро этишади. Ҳар бир иштирокчи этник “озчилик” ролида бўлиб чиққанидан сўнг, мунозара бошланади.

Талабаларга мавзуга доир саволлар тақдим этилди. Жавобларни таҳлил қилиш асосида иштирокчиларда маданиятлараро коммуникация кўникмаларининг паст даражаси ва бар қанча маданиятлараро нотўғри нуқтаи назарлар мавжудлиги аниқланди. Нотўғри нуқтаи назарларни бартараф этиш ва маданиятлараро мулоқот кўникмаларини ривожлантириш мақсадида тажриба-синов ишларининг шакллантирувчи босқичида талабаларга ролли ва имитацион ўйинлар таклиф қилинди.

“Богардус шкаласи” машқи.

